

ШОИР ҲАЙРАТИЙ ШЕЪРИЯТИДА ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЯ МАНЗАРАСИ

Абдуллаева Манзура

Наманган давлат университети таянч докторанти

Аннотация Ушбу мақолада шоир Ҳайратийнинг “Тухфаи Ҳайратий” девони ҳамда бир неча баёзларга киритилган ғазаллари ва мухаммаслари лингвокультурологик таҳлилдан ўтказилади. Асарларидаги лингвомаданий сўзларнинг санъаткорона қўлланилиши ёрин мисоллар орқали исботланади.

Калит сўзлар. Лингвомаданий сўзлар, адабиёт, тил илми, ғазал, мурабба, мухаммас, мусаддас, фард, лингвокультурологик қатлам, рамз, мифологема, эталон, метафора, паремиологик бирликлар, нутқий этикетлар.

Тилнинг асосий вазифаси кишилар ўртасидаги алоқани таъминлашдангина иборат эмас. Унинг яшовчанлик омили олам ва одам билан узвий боғлиқлигидир. Фақат ақл ҳосиласи хизматини ўтамайди, кўнгилнинг ҳиссий кечинмалари ифодаси эҳтиёжини ҳам қондиради. Адабиётга дахлдор бадий тилдаги сўз бойлигининг кучу қудрати айниқса матнда яққол намоёнланади. Ижод аҳлининг шу боисдан бадий сўз санъаткорлари деб атаймиз. Уларнинг маҳоратини баҳолаш адабиётшунослик билан баб-баравар тилшуносликка ҳам тааллуқли долзарб масала ҳисобланади. Эндиликда тилшуносликни фонетика, лексика, морфология ва грамматика доирасидагина тушуниш камлик қилади. ХХI асрда тил илмини ўрганишга янгича ёндошувларнинг тобора жонланиб бораётгани шундан.

Чунончи, антропоцентрик парадигма “Тилни қуруқ структура сифатида эмас, балки жонли мулоқот ва коммуникацияга асосланган очиқ тизим сифатида ўрганувчи, уни жамият, инсон, маданият, руҳият кабилар бошқа тизимлар билан алоқадорликда тадқиқ этувчи, инсонни тил ичида ёки тилни инсон ичида таҳлил этишга йўналтирилган қарашлар, ғоялар ва таълимотлар мажмуидир”. [1] Янгича йўналиш тадқиқотида миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг Муқимий, Фурқат, Шавқий, Нодим, Ибрат каби ёрқин сиймолари қаторида турадиган ва айни пайтгача жиддий ўрганилмаган вакили Умрзоқ Холбой ўғли Ҳайратий (1845-1915) шеъриятини бежиз танламаганмиз.

Наманган адабий муҳитида камолга етган бу ижодкорнинг ғазал, маснавий, рубоий, мураббаъ ва мухаммасларида лингвомаданий қатламлар талайгина. Уларни синчиклаб ўқиган, шоирнинг сўзларни санъаткорона сайлаш, ўрни-ўрнига қўйиш, чуқур маъно-мазмун ифодалаш иқтидорини беэътибор қолдирмаган кишигина бундан воқиф бўла олади. Зеро, Абдурауф Фитрат айтганидай: “...адабиёт – фикр, туйғуларимиздаги тўлқунларни сўзлар, гаплар ёрдами билан тасвир қилиб, бошқаларда ҳам худди шу тўлқунларни яратмоқдир”. [2]

Ижодкорнинг “Тухфаи Ҳайратий” девони ва бир неча баёзларга киритилган назмий битиклари ХIХ асрнинг иккинчи ярми ХХ асрнинг бошларида қоғозга туширилган бўлса-да, улардаги ошиқона руҳ, маъруфона мушоҳада, маданий тасвирлар, атама, ибора, бирикма ва ифодаларда анъанавийлик ва ноанъанавийлик (ўзига хослик) ёнма-ён. Бу ҳолат байту мисралар таркибига ҳали ҳануз жозоба бағишлайди. Анъанавий сўз ва ибораларни қўллашида Навоий, Бобур ва Машрабларга издошлиги аён бўлиб туради. Ўз йўли, ўз талқини, ўз таърифи эса макон ва замонга теран нигоҳи, янгича руҳияти асносида юзага келган. Булар шоир ижодий

маҳоратининг юқорилигидан далолат беради. Фикрларимизни тасдиқловчи мисоллар аслида кўпдан-кўпу, биз уларнинг энг муҳимларига қисқача тўхталиб ўтиш билан кифояланамиз.

Биз яхши бидамизки, бадий асарда образли фикр юритиш устувор аҳамият касб этади. Аввало, ўхшатишлар бу борада кўпроқ қўлланади. Чунки, ўхшатишлар ўзига хос образли тафаккур тарзининг маҳсули сифатида юзага келади. Улар нутқда ҳамиша бадий-эстетик қимматга молик бўлади, нутқнинг эмоционал-экспрессивлиги, ифодалилиги, таъсирчанлигини таъминлашга хизмат қилади. Ҳайратий ижодида бундай ҳолатлар катта ўрин тутаяди. Улар ичида лингвомаданий сўзларни тез-тез учратамиз. Масалан, гул, ой, моҳ, маҳваш севгилисининг гўзал сиймоси сийлови сифатида ишлатилади.

Сабо, ман санга айтурман, сўзимни ёра айтурсан,

Юзи гул, орази гулшан малоҳат ошкоримга.[3]

Ушбу байтда бадий, яъни маданий сўз гул ҳисобланади. Аслида бу ўсимлик оти бўлса-да, кўчма маънода ёр юзининг чиройига, (сифатга) ундан кейин эса гулшан (жамоли)га айланган. Такрор туфайли маъно кенгайиб, мавҳумлашган ҳолатда ҳам таъсири янада кучайтириб юборилган.

Васлинг ила шод эрди маҳзун дилим, эй маҳваш,

Хуснингни чароғига парвона тонг отгунча.

Найлайн ҳайрона бўлмай, ёри жоним соғиниб,

Дилбари маҳбублигда маҳ нишоним соғиниб.

Биринчи ғазалда эй маҳваш – ой юзли ёр, дея севгилисига илтижоли мурожаат этаётибди. Иккинчи ғазалида эса худди шу маҳ (моҳ – ой) матнда бутунлай янги маъно-мазмунни ифодалаган. Яъни дилбари маҳбуб - гўзал маъшуқа, йироқдан-йироқда, ерда эмас фалакда. Лекин кўз тикиб қадам ташласа, теппа-тенг, бирга-бирга юради. Ҳеч узоқлашгиси келмайди. Шу боис унинг дийдорин кўзлаган – нишоним дейиши бежиз эмаслигини осонгина англашимиз мумкин. Лингвомаданий сўз ўзига мос ўрнини топгани туфайли кичик ғазалга катта мазмун бахш этган. Агар тилшунос ибораси билан айтсак, юқоридаги байтларда шоир гендер метафорадан фойдаланган. Бундай метафорик маъноли сўз фақат бир жинсга нисбатан қўлланади. Ҳайратий ижодининг маданий лексик жиҳати анчайин мукамал ва ўзига хоски, яна гул ўхшатмаларига қайта-қайта дуч келамиз. Лекин бошқа йўсинда, бошқача таърифлар тақозоси билан янги маънолар кашф қилади:

Юзинг гул ёсамин, лаъл лабинг чун ғунчаи гулдир,

Мисоли новдаи гул қоматинг, дилбар саломат бўл.

Уч марта такрорланган гул лексикаси ёнидаги изоҳли сўзлар билан бир-бирига уйғунлашиб, жуда гўзал қиёфани кўз олдимизда гавдалантиради. Замондош шоирлар каби тайёр гулўзор (гулюзли) сўзини қўллашдан тийилган Ҳайратий айтяптики: Сенинг юзинг ёсамин – оппоқ гул, ана шу юзингдаги лаъл – ёқут лабинг худди гулнинг ғунчасидир, қоматинг эса новда - нозик гул. Ғазал радифи – “дилбар саломат бўл”га ҳамоҳанг кўнглимиздан беихтиёр “кўз тегмасин” деган тилак ўтади.

Гендер метафора эркакка нисбатан моҳирона қўлланган “Ташлаб кетиб” мухаммасидаги шер - бу ҳайбатли жонзот эмас, куч-қудратли, аммо офатижон ёрнинг сўз сайдига илинган йигит тимсолидир.

Турфа таннозу сатанг шўх шанги беназир,

Шева бирла шерни айлар гирифтору асир,

Сайд этар элни, кўнгул ваҳшийларин ҳам дастгир,

Бўлгуси мафтун анга хоҳи жувону, хоҳи пир,

Келтурур ҳар дам бошимга шўри шар ташлаб кетиб.

Ҳар бир ижодкор ҳаётий кузатувларидан ташқари халқ ва миллатнинг фольклорини билишга интилади, ёзма манбаларда қайд қилинган афсоналару эртақларда учрайдиган хаёлий тўқима образлардан таъсирланади. Кези келганда асарларида уларнинг ҳолати, феълу атворига қиёсий фикрларини ифодалаб, ўзининг лирик қаҳрамонини ёки “мени”ни образ даражасига кўтаради. Ҳайратий Муқимий ғазалига боғлаган мухаммасидаги Самандар мифоними шеърнинг ғоят муҳим маданий лексикасидан биридир. Шоир:

Шамъи ҳуснингга, нигоро, ўртаниб парвонаман,

Икки олам қору боридик кечиб бегонаман,

Чун самандар оташи ишқинг билан сўзонаман.[5] деяр экан, бу ерда у афсонавий ҳолатга қўшиб қолганини таъкидлапти. Самандар – афсоналарга кўра, ўтда яшовчи жонивор. Ошиқ ишқ ўтида куйганидан нолимайди, аксинча самандарга айланганидан фахрланади.

Мухаммаснинг давомида яна лингвокультурологик қатлам кўзга ташланади. Энди шоир прецедент – машҳурланга номларни мухаммасига олиб кирган. Сабаби, Муқимий ғазалида шундай ҳолат мавжуд эди. Ижодий ҳамоҳанглигу ҳамфикрлик талабига тўлиқ жавоб бера олиш салоҳияти аёнланган давомли мисраларда:

Кимки Эронун Бадахшондан келур иззат топар,

Ақл агар алломадур, боқмас юзига, ор этар,

Айлагил, эй Ҳайрато, вирди замон лайлу наҳор,

Мулки Ҳинду Марвдин келсам топардим эътибор,

Шул эрур айбим Муқимий, мардуми Фарғонаман.

Тарихдан маълум, Эрон, Бадахшон, Ҳинд, Марв, Ўрта аср Шарқнинг ном таратган мамлакат ва шаҳарлари. Айниқса, Бадахшон ўзининг лаъли – ноёб, қимматбаҳо ёқут тошлари билан ном қозонгани учун Ҳайратий алоҳида унга урғу беради.

Биз Ҳайратий асарларидаги маданий тил бирликларининг айримларигагина тўхталдик, холос. Аслида, ғазал, мураббаъ, мухаммас, ва ҳатто мусаддасу фардларида ҳам шундай бирликлар оз эмас. Бу каби сўз ва иборалар лингвомаданий терминлар остида бирлашади. Тилшунос олим З. Сабитова таърифлаганидай: “Рамз, мифологема, эталон, метафора, паремиологик бирликлар, лақналар, стереотиплар, прецедент бирликлар, нутқий этикетлар энг асосий лингвомаданий бирликлар ҳисобланади”.[6] Демак, ҳали изланишларимиз тўхтамайди. Таҳлил ва талқинларимиз кенгайиб, чуқурлашиб бораверади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Раҳмов А. Тилни парадигмалар асосида ўрганиш муаммолари. Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент: 2012. №2 24-бет.
2. Фитрат А. Адабиёт қоидалари. Тошкент. Ўқитувчи. 1995. 21-22-бетлар.
3. Асрлар нидоси. Тошкент. Ғафур Ғулом. 411-бет - Кейинги мисоллар ҳам шу тўпламдан олинган.
4. Содиқ Сайхунда сақланаётган қўлёзма девондан. 103-бет.
5. Сарахбор. Мумтоз қўшиқлар тўплами. Тошкент. Академнашр. 2017. 213-бет.
6. Сабитова З. Лингвокультурология: учебник. М.Флинта: Наука. 2013-С-10.